



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
DENOV TADBIRKORLIK VA
PEDAGOGIKA INSTITUTI



**“MARKAZIY OSIYO DAVLATCHILIGI
TARIXIDA TURKIY
XALQLARNING TUTGAN O‘RNI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA
MATERIALLAR TO‘PLAMI**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI
TARIX VA FALSAFA KAFEDRASI**



**MARKAZIY OSIYO DAVLATCHILIGI TARIXIDA TURKIY
XALQLARNING TUTGAN O‘RNI**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLARI TO‘PLAMI



DENOV – 2024

achieved notable increases in production, the narrow focus on monoculture, coupled with unchecked water use, accelerated the degradation of natural resources. The expansion of rice fields, alongside increased irrigation demands, significantly disrupted the hydrology of the Amu Darya, contributing to the tragic decline of the Aral Sea. The legacy of these policies serves as a cautionary example of the long-term consequences of prioritizing rapid economic gain over environmental sustainability, underscoring the importance of balanced and informed agricultural planning for the future.

References

1. Central State Archive of the Republic of Karakalpakstan, Fund R-551, Inventory 182, Case 436, Sheet 56.
2. Party and Government Decisions on Economic Issues: Collection of Documents over 50 Years. Vol. 5. 1962-1965 — Moscow: Politizdat, 1968, pp. 606-608.
3. Pravda Vostoka, January 18, 1957, No. 16 (10076).
4. Tadjieva, R. "From the History of Rice Cultivation Development in the Karakalpak ASSR" // Bulletin of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1990, No. 2, p. 126.
5. *Karakalpakstan and Its History*. Nukus, 2003, p. 306.
6. Further details on the history of the formation of this administration will be elaborated in our future research.
7. Seidametova, G.U. "The State of Agriculture in Karakalpakstan at the Turn of the 1970s-1980s" // Bulletin of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 2023, No. 3, pp. 81-85.
8. Palvanov, D. *The Rice Complex of Karakalpakia*. Nukus, 1977, p. 33.
9. *National Economy of the Karakalpak ASSR over 60 Years*. Nukus, 1984, p. 40.
10. Jumashov, A. "Cooperation in Central Asia to Solve the Aral Sea Problems: History and Present" / *New Uzbekistan and Regional Partnership in Central Asia (On the 30th Anniversary of Independence of Uzbekistan and Central Asian States)*. Proceedings of the International Scientific and Practical Conference (October 18, 2021, Tashkent). Tashkent, 2022, pp. 175-179.

Жумаева Ш
Чирчиқ давлат педагогика университети

Тарих кафедраси доценти, т.ф.ф.д.(PhD).

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мақолада қадимдан илдизи ва тарихи, анъана ва кадриятлари бир бўлган туркий халқлар кундалик турмуш тарзининг айрилмас қисмига айланган зиёрат маросимлари ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари тарихий, этнографик манбалар ҳамда дала тадқиқотлари асосида тўпланган маълумотлар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, барқарор ривожланаётган туризм индустриясининг аҳамияти, туркий халқлар ўртасида зиёрат туризми ривожлантириш имкониятлари муаллиф томонидан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Турон замини, туризм индустрияси, зиёрат туризми, Самарқанд, мамлакат, тараққиёт, туркий халқлар, анъана, кадрият, Туркистон, Ҳазрат Али, қадамжо, зиёратгоҳ, миллатлараро тотувлик, толерантлик, урф-одат, маросим.

Аннотация: В статье на основе исторических и этнографических источников, а также данных полевых исследований, проведён анализ ритуалов паломничества, ставших неотъемлемой частью повседневной жизни тюркских народов, имеющих общие корни, историю, традиции и ценности. Также автором освещена значимость развивающейся индустрии туризма и возможности развития паломнического туризма среди тюркских народов.

Ключевые слова: Земля Турана, индустрия туризма, паломнический туризм, Самарқанд, страна, развитие, тюркские народы, традиция, ценность, Туркестан, Ҳазрат Али, священное место, место паломничества, межнациональная гармония, толерантность, обычаи, ритуал.

Annotation: This article analyzes pilgrimage rituals, an integral aspect of daily life among Turkic peoples who share common roots, history, traditions, and values. Drawing on historical and ethnographic sources, as well as field research data, the study examines the significance of these rituals. The author also emphasizes the growing importance of the tourism industry and explores opportunities for developing pilgrimage tourism among the Turkic peoples.

Keywords: Turan region, tourism industry, pilgrimage tourism, Samarkand, national development, Turkic peoples, tradition, cultural values, Turkestan, Hazrat Ali, sacred sites, pilgrimage destinations, interethnic harmony, tolerance, customs, rituals.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес

тури бўлиб, унинг ялпи миллий даромаддаги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси, “учинчи дунё” мамлакатлари бўйича пул маблағлари тушумининг 50 фоизи ва иш билан бандлик даражасининг 80-90 фоизи туризм соҳасига тегишли.[1] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (WTO) давлатларга туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматлар таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳаси рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш зарурлигини илгари сурмоқда. Бу эса туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Сўнгги йилларда халқаро ва ички туризм йўналишлари ичида зиёрат туризми жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда ва жаҳон туризм бозорининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бирига айланди. Халқаро татқиқодларга кўра зиёрат туризми йўналишида саёҳат қилаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2017 йилда зиёрат туризми йўналиши бўйича 131 млн. киши саёҳат қилган ва бу йўналишдан тушган даромад 177 млрд. долларни ташкил этган. 2020 йилда мазкур туризм йўналишида сайёҳлар сони 160 млн. кишига етиши ҳамда 2026 йилда эса 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад кўриши кутилмоқда [1].

Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб, дунёнинг аксарият давлатлари зиёрат туризмнинг истиқболини инобатга олган ҳолда бу соҳага фаол сармоя жалб этмоқда. Жумладан, жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан-Миср, Юнонистон, Италия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатлар зиёрат туризми бўйича етакчилик қилиб келмоқда.

Тарихдан маълумки, туркий халқлар кундалик турмуш тарзи, диний қадрият анъана ва қадриятлари илдизи бир бўлганлиги боис уларнинг зиёрат маросимлари ҳамда зиёратгоҳлари ҳам умумий. халқларининг миллий маънавий мероси ва менталитетида ўзига хос ўринни эгалловчи зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ анъаналар айни пайтда инсоният маданиятининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари Марказий Осиё худудидаги қадимги меъморий обидалар, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар зиёрат туризмини ривожланишига хизмат қилса, бой тарихий маънавий мерос, қўлёзма асарлар, музейлар маъданий туризмнинг ривожланишида асос бўлади.

Муқаддас мазорлар ва улар билан боғлиқ муқаддас буюмлар ҳақидаги қарашлар асрлар давомида бирга яшаб келаётган туркий халқларнинг диний ҳиссиётларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Шу сабабли туркий халқлари ўртасида азалдан улуғ

мозорларни зиёрат қилиш ярим ҳаж қилиш баробар сифатида қараб келинган. Жумладан, Самарқанддаги Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат қилиш Каъба зиёрати билан тенглаштирилган. Шу сабабдан зиёратчилар Каъба атрофида етти марта айланганларидек, бу мозор атрофида етти бор айланганлар. Хуросонда эса Имом Ризо мозори, Қозоғистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиш Ҳаж зиёрати билан тенглаштирилган [2, ст-25].

Туркий халқлар ўртасида зиёратгоҳларга оид ўзига хос қарашлар ҳам шаклланган. Жумладан, қирғизлар “соғлиқ сўрасанг Иссиқ Отага, бойлик ва чорвага барака истасанг Чўпон Отага, фарзанд тиласанг Манжилли Отага бор” деб қадимдан ишонишган [3, ст-56-57].

Туркистон чорвадорлари “Арслонбоб мозорида тунаб, кейин Хўжа Аҳмаддан сўра” нақлига амал қилишган. Зиёрат анъаналарига кўра Хўжа Аҳмад Яссавийни зиёратга борганда энг аввало, Исҳоқ ота ва Қорасоч она – Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ота-оналарини, сўнгра устозлари Арслонбоб мақбарасини зиёрат қилишлари лозим. Асрлар давомида мана шу анъанага амал қилиб келинмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси Марказий Осиёдаги энг машҳур зиёратгоҳлардан бири бўлиб, меъморий мажмуа Буюк Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган. Чорвадор қабилаларда қабила задогонларини вафотидан сўнг, машҳур авлиёлар дафн этилган мозорларга қўйиш одати мавжуд бўлган. Шу сабабли, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига Амир Темур эвараси, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегим дафн этилиб, XV асрда “Робия Султон Бегим” мақбараси бунёд этилган. Қозоғистон тарихчилари фикрига кўра, бу ерга кўплаб қозоқ хонлари, шунингдек таниқли давлат арбоблари дафн этилган. К.Байпаков таъкидлаганидек, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси “дунё мўжизаларидан бири бўлиб, мусулмонлар учун иккинчи Макка ҳисобланади” [4, ст-477].

Қадимдан туркий халқлар томонидан улуғланиб келинаётган Хўжа Аҳмад Яссавий, Арслонбоб, Чўпон ота, Иссиқота, Занги ота, Қусам ибн Аббос, Хўжа Дониёр мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати Али, Шоабдумалик ота, Термизий мақбараси каби зиёратгоҳлари машҳур бўлиб, бу ерга нафақат қўшни республикалар ҳамда Россия, Туркия, Индонезия, Малайзия, Эрон, Покистон каби давлатлардан зиёратчилар ташриф буюришмоқда. Мазкур зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга ташриф буюрувчи зиёратчилар этнотуризм, гастрономик туризм, маданий туризм каби туристик соҳалар ривожига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, зиёратчилар гавжум мақбаралар, муқаддас қадамжолар атрофида миллий

хунармандчилик ашёлари билан савдо қилувчи марказларнинг фаолият олиб бориши мазкур ҳудуд аҳолисининг иш билан таъминланишиги ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёни жадал кечаётган ҳамда экологик муаммолар кучайган бугунги кунда зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар миллатлараро мулоқот, дўстлик ва тотувликни таъминловчи маскан, шунингдек табиий экотизм учун кўриқхона вазифасини бажармоқда. Бу эса ўз навбатида зиёратгоҳларда археологик, этнологик, агиографик, лингвистик, тарихий манбашунослик, ҳужжатшунослик, исломшунослик, архившунослик илмий тадқиқотларини олиб боришни тақозо этмоқда. Бундан ташқари зиёратгоҳлар Марказий Осиё минтақасида зиёрат туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлашга, валюта тушумининг кўпайиши, ЯИМнинг ўсиши ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Thomson Reuters, 2018, Crescent Rating, 2018.
2. Иманалиев К. (2009). Кыргызстан: национальный путь (в поисках самоидентификации). Бишкек, 2009.
3. Бакина Н.С. (2012). История средневекового Казахстана. Алмата.
- 4.Байпаков К. (2007).Великий Шелковый путь (на территории Казахстана). Алмата. С.477.

* * *

Сейтмуратов Нурланбек Аманбай ули
Қорақалпоқ давлат университети стажёр-ўқитивчиси

ҚОРАҚАЛПОҚ МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА АВЕСТО **ҚАДРИЯТЛАРИ**

Аннотация: Мазкур мақолада Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги ижтимоий-маънавий ҳаёт, маданият ва эътиқодий тамойиллар тарихи ёритилган. Мустақилликка эришилган даврда археологик топилмалар ва илмий изланишлар орқали Ўрта Осиё маданий меросининг, хусусан, зардуштийлик эътиқодининг тарихий ўрни ва аҳамияти қайта очилмоқда. Зардуштийликнинг фалсафий ғоялари, “Авесто”нинг маънавий қиймати ва унинг Қорақалпоғистон маданиятига таъсири методологик таҳлил қилинган. Ислом ва зардуштийликнинг умумий жиҳатлари,

Nazirov Baxtiyor, Samandar Otamurodov. O‘zbekiston mustaqillik yillarida ot sporti: rivojlanish, muammolar va istiqbol.....	666
G‘afforov.Ya.X. O‘zbekistonning xalqaro tashkilotlar bilan iqtisodiy-siyosiy va madaniy sohalardagi hamkorliklari.....	672
Murotov Elyor. Yangi O‘zbekistonda ma’naviy-axloqiy tarbiya tendensiyalari tahlili.....	680
Norboev Shaxriyor, Shoxsanam Habibjonova. Mustaqillik va din...687	
Ravshanova Marjona, Mamasaidova Ruxshona. Kurash mardlik va jasorat an‘analari mujassam o‘yin.....	692
Shotemirova Aziza. Ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda samarqand viloyatida og‘ir sanoat korxonalarini tashkil etilishi.....	696
Ollomurodov Nurali. Surxondaryo viloyatida urushdan keyingi yillarda sanoatining rivojlanishi.....	700
Boborahimov Shoxruhbek. “Surxon vohasi aholisi madaniy taraqqiyotida sherobod dostonchilik maktabining ahamiyati”.....	706
Tojiyev Dostonjon, Nurmanov Shahzodbek. “Turkiy universitetlar ittifoqi”ning tarixi va oliygohlararo ilmiy hamkorlikdagi o‘rni masalalari.....	711
Toshboboyeva Munavvar. Yangi O‘zbekistonda ma’naviy -mafkuraviy islohotlarni amalga oshirishda xotin-qizlarning o‘rni.....	723
Turobov Yorqinjon. Alisher Navoiy asarlarida siyosiy qarashlar.....	727
Турсунов.А.А. Центральная Азия – приоритетное направление внешней политики Узбекистана (2016-2019).....	731
Xoliqov G‘olib. Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) va xalqaro bolalar jamg‘armasi (Yunisef)ning o‘zbekistonda aholi salomatligini muhofaza qilish masalasi.....	741
Алламуратова Серехан. Глобализация в контексте исторических процессов.....	748
Сафарова С.Д. Воспитание современной молодежи в духе патриотизма, национальной гордости и нравственных ценностей.....	752
Embergenova Gulmira . Evolution of Rice Cultivation in Karakalpakstan - Socio-Economic Developments and Environmental Challenges Under Soviet Agricultural Policy.....	758
Жумаева Шоира. Туркий халклар маданий ҳамкорлигини мустақкамлашда зиёрат туризмнинг аҳамияти.....	764
Сейтмуратов Нурланбек. Қорақалпоқ маданияти тарихида Авесто кадриятлари.....	768
Pardayeva Marhabo. Shukronalik – jamiyat rivojining muhim asosi.....	774